

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.15/27.02.2020.Т.73.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАЕВ ШЕРАЛИ ИБРОХИМОВИЧ

**МАГИСТРАЛ ТЕШЛОВОЗЛАРИНИНГ ҒИДРАК-МОТОР БЛОКИ
МАТЕРИАЛЛАРИНИ ҚОЛДИҚ МАНБАЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА
УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.08.05 – Темир йўлларининг ҳаракатланувчи таркиби, поездларни
торғиш ва электрлаштириш**
**05.02.01 – Mashinasozlikda materialshunoslik. Kuymachilik. Metallarga
termik va bosim ostida ishlov berish. Qora, rangli va noʻb metallar
metallurgiyasi. Kamʻb, nodir va radioaktiv elementlar texnologiyasi**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
авторферати мундарижаси

Оглавление авторферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мамаев Шерали Иброхимович	
Магистрал тепловозларнинг ғилдрак-мотор блоқи материалларини қолдиқ манбаларини аниқлаш ва уларни такомиллаштириш	3
Мамаев Шерали Иброхимович	
Определение остаточных ресурсов материалов колесно –моторного блока магистральных тепловозов и их совершенствование.....	23
Matayev Sherali Ibrohimovich	
Determination of residual resources of materials for the wheel-engine block of mainline diesel locomotives and their improvement	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати	
Список опубликованных работ	
List of published works.....	47

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.15/27.02.2020.Т.73.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАЕВ ШЕРАЛИ ИБРОХИМОВИЧ

МАГИСТРАЛ ТЕПЛОВОЗЛАРИНИНГ ҒИЛДРАК-МОТОР БЛОҚИ
МАТЕРИАЛЛАРИНИ ҚОЛДИҚ МАНБАЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА
УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

05.08.05 – Темир йўлларининг ҳаракатланувчи таркиби, поездларни
тортиш ва электрлаштириш

05.02.01– Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга
термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва камёб металллар
металлургияси. Камёб, нодир ва радиоактив элементлар технологияси.
Камёб, нодир ва радиоактив элементлар технологияси

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3. PhD/Т1768 рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат транспорт университетида бажарилган.
Диссертация авторферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида (www.tstu.uz) ва «Ziyouev» ахборот-таълим порталида (www.ziyoue.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Файлибаев Шерзод Собирович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий ошпоувентлар: Курбонوف Жанибек Файзуллаевич
техника фанлари доктори (DSc), доцент

Набиев Эльман Савдочич
техника фанлари номзоди, доцент.

Етказчи таъшиқлот: Андижон машинасозлик институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат транспорт университети ҳузуридаги DSc.15/27.02.2020.Т.73.02 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил 4.12 соат 22 дақиқасида бўлиб ўтди. (Манзил: 100167, Тошкент, Темирйўлчилар кўчаси 1-уй. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54; e-mail: http://tstu.uz

Диссертация билан Тошкент давлат транспорт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 013 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100167, Тошкент, Темирйўлчилар кўчаси 1-уй. Тел.: (99871)299-05-66); e-mail: http://tstu.uz

Диссертация авторферати 2021 йил «22» 11 кун тарқатилди.
(2021 йил «1» 11 дақиқасида рақамли реестр баённомаси).



А.В.Умаров
Илмий даражалар берувчи
бир марталик илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор
Э.У.Тешабоева
Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш аъзоси, т.ф.д., доцент

Ш.С.Файлибаев
Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш ҳузуридаги бир марталик
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КГИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзунининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда жаҳонда замонавий ҳаракат таркибларининг гилдирак-мотор блокларида ўзгармас тоқда ишловчи тортув моторларидан кенг қўлланилиб келинмоқда. Телловозлардан самарали фойдаланишга қўйилган талабларга жавоб беришни таъминлаш мақсадида, жорий капитал таъмирдан сўнг телловозларнинг гилдирак-мотор блокларини ишлаш муддатини узайтириш, капитал таъмирлашда конструктив узелларни модернизациялаш йўли билан ишончилиги ошириш талаб этилади. Шу сабабли магистрал телловозларнинг гилдирак-мотор блокли материаллари ва узелларини ишлаш муддатини аниқлаш ва узайтириш мақсадида уларни бузмасдан хоссалари ва ресурсларини башоратлашнинг математик моделлаштириш усулларини яратиш йўналишида илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда телловозларнинг гилдирак-мотор блокли ишлаш муддатини ошириш, материал-техника захирасини тежаш, материаллар ва буюмлар қолдиқ ва мустаҳкамлик ресурсларини тезкор аниқлаш учун магистрал телловозлар торттиш узатмаларидаги вужудга келадиган тебранма ҳаракатларни ҳисоблаш ва математик моделлаштириш, тортув моторларининг магнит тизими геометриясининг асимметриясининг торттиш кучлари айланма тебраннинг ҳаракатига таъсири аниқлаш, тортув редуктори тишли гилдиракларининг емирилиш жадаллигини айланма тебранма ҳаракатига таъсири аниқлаш, тортув моторларини уларга куч туширмаган ҳолда танлаш усулларини қўллаш орқали, рельс ва гилдирак илашиш коэффициентини, телловозларнинг дизелдан олган қувватини, ҳаракат таркибининг самардорлигини ошириш ва темир йўл ҳаракатланувчи таркибининг материаллари қолдиқ ва мустаҳкамлик ресурсларини аниқлаш усулларини яратишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда турли транспорт соҳаларини ривожлантириш, жумладан темир йўл транспорти инфратузилмасини такомиллаштириш, юқори тезликда ҳаракатланувчи таркиб участкаларини кенгайтириш, мавжуд темир йўл ҳудудларини электрлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «... миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... транспорт-коммуникация ва социал-инфратузилмавий лойиҳаларни ечишга йўналтирилган фаол инвестицион сиёсат, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгиллаш, ишлаб чиқаришга энергия тежовчи технологияларни кенг тadbик этиш...» вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, жумладан магистрал телловозлар торттиш узатмаларидаги торттиш кучлари айланма тебраннинг ҳаракати, телловозларнинг дизелдан олган қувватини, ҳаракат таркибининг самарадорлигини ошириш ва уларни моделлаштириш, темир йўл ҳаракатланувчи таркибининг материаллари қолдиқ ва мустаҳкамлик ресурсларини аниқлашга қаратилган илмий-тадқиқотлар муҳим аҳамият касб

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

жувтиликларини рельс билан илашиш коэффициентини оширишни техник асослаш» (2008-2010 й.) хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг максоди магистрал тепловозларнинг тортиш узатмаларидаги тортиш кучлари айланма тебраниш характерига ва редуктор тишли гилдиракларида юзага келадиган емирилишни моделлаштириш натижасида улардан фойдаланиш самардорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

магистрал тепловозларнинг ишлаш муддатини камайтирувчи тортиш узатмаларидаги тортиш кучлари айланма тебранма характерини вужудга келишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

магистрал тепловозларнинг гилдирак-мотор блоки динамик моделини тузиш орқали тепловозларнинг тортиш узатмаларидаги айланма тебраниш характерини аниқлаш услулани ишлаб чиқиш;

магистрал тепловозларнинг тортиш узатмаларидаги тортиш кучлари айланма тебраниш характерига таъсир этувчи тортув узатмаси редукторининг шестерни – гилдирак емирилиш жадалигини аниқлаш;

магистрал тепловозларнинг гилдирак-мотор блокида кучни узатиш жараёнида вужудга келадиган айланма тебранишлари алгаритм тенгламасини ишлаб чиқиш;

магистрал тепловозларнинг тортув электр моторларини тезлик таснифлари бўйича, уларга куч туширмаган ҳолда таллаш услулани ишлаб чиқиш;

магистрал тепловозларнинг тортув электр моторларини тезлик таснифлари бўйича таллаш услулани ишлаб чиқиш;

темир йўл ҳаракатланувчи таркибининг материаллари қолдиқ ва мустаҳкамлик ресурсларини аниқлаш;

магистрал тепловозларнинг тортиш узатмалари асосий материал ва ускуналарининг ишончлилигини ошириш услубларини таҳлил қилиш, баҳолаш ва уларни такомиллаштириш;

магистрал тепловозларнинг тортиш узатмаларини модернизация қилиш ва уларнинг хизмат муддатини узайтириш концепциясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти UZTE16M тишли магистрал тепловозининг тортиш узатмаларидаги тортув электр мотори ЭД-118А,Б ва цилиндрсимон редукторнинг гилдирак-шестеряси тишлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети магистрал тепловозларнинг тортиш узатмаларидаги тортув электр моторларнинг тезлик таснифи бўйича таллаш услубиёти ва гилдирак-мотор блокидаги редуктор тишли гилдиракларининг емирилиш жадалигини айланма тебранишлари характерига таъсирини математик моделлаштиришдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар материаллар қаршилиги, машиналар динамикаси ва мустаҳкамлиги, гилдирак жувтиликларнинг боқсалаш тенгламаси, Герцнинг статистика назарияси, Лагранж ва Гаусс услуби, шунингдек рақамли услублардан фойдаланилди.

эгади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелидаги ПФ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5647-сон «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ва 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3238-сон «Замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни яна жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологиялар ривожланишининг II.«Энергетика, энергия ва ресурслар тежамкорлиги» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Темир йўл транспорти магистрал тепловозларининг тортиш узатмаларидаги тортиш кучлари айланма тебраниш характерларини моделлаштириш бўйича С.Ю.Матюшков, А.И. Беляев, И.В. Брюковок, Г.С. Михальченко, Д.В. Воробьев, А.Л. Лисицын, А.Н. Савоськин, Г.В. Самме, А.Д. Глушенко, Ш.С. Файзибаев, Г.А. Хромова, Р.В. Рахимов, В.И. Киселев, Ё.О. Рўзметов, В.Н. Жидков, Д.К. Минов, В.И. Наумов, В.А. Могилевский, А.В. Грищенко, В.С. Островский, Н.С. Зайниддинов, А.Н. Авдеева ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Улар томонидан магистрал тепловозларнинг тортиш узатмаларидаги тортиш кучлари айланма тебраниш характерларини моделлаштириш, ҳисоблашнинг назарий асослари, темир йўл ҳаракатланувчи таркибининг материаллари қолдиқ ва мустаҳкамлик ресурсларини аниқлаш, мазкур тизимлар ва улардаги техник воситаларнинг такомиллашган конструкциялари ва схемаларига оид ечимлар тақлиф қилинди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Шу билан бирга магистрал тепловозларнинг тортиш узатмаларидаги тортиш кучлари айланма, тебранма характерларини математик моделларини ишлаб чиқиш, тортиш кучлари айланма тебраниш характерларини моделлаштириш усулларини такомиллаштириш, аниқлиги юқори ҳамда чизикли статик ва динамик характеристикага эга бўлган янги ечимларни яратиш, темир йўл ҳаракатланувчи таркибининг материаллари қолдиқ ва мустаҳкамлик ресурсларини аниқлаш, мазкур тизимлар ва улардаги техник воситаларнинг такомиллашган конструкциялари ва схемалари яратишга йўналтирилган илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат транспорт университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 3-сон «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ шариётида поездларнинг ҳаракатланишида локомотивнинг гилдирак

Тадқиқотининг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

магистрал тепловозларнинг ғилдирак-мотор блоки узелларининг ишлаш мuddатини камайтирувчи, ғилдирак-рельс орасидаги илашиш коэффициентини камайишига олиб келувчи тортиш узатмаларидаги тортиш кучлари айланма тебранма ҳаракатининг вужудга келишига таъсир этувчи триботехник омиллар аниқланилган;

UZTE16M типидagi тепловознинг тортиш узатмаларидаги айланма тебраниш ҳаракатини математик моделларини тузиш ва тенгламалар тизимига энгергияни сакланиш қонунини қўллаш учун ғилдирак-мотор блоки динамика модели яратилган;

магистрал тепловозларнинг ғилдирак-мотор блоки моделига асосланиб, тортув узатмалари айланма тебраниш ҳаракатини Лагранж назариясига асосланиб, бир турдаги ва хусусий ғилдирак-мотор блоки айланма тебранишни аниқлаш услубиёти ишлаб чиқилган;

магистрал тепловозларнинг тортув электр моторини тезлик таснифлари, уларга куч туширмаган ҳолда танлаш услубиётини занжир учун Кригхофнинг қонунлари, Лаплас ва Жордан-Гаусс услубиётилари ёрдамида ишлаб чиқилган;

магистрал тепловозларнинг ғилдирак-мотор блоки айланма тебранма ҳаракатига салбий таъсир кўрсатувчи редуктор шестрена-ғилдирак материалларининг ташки муҳит таъсири ва ортқича кучланишлар натижасида емирилиш жадаллигинини аниқлашнинг математик модели яратилган;

магистрал тепловозларнинг тортув электр моторларининг узелларининг геометрик ўлчамлари асосида, ғилдирак-мотор блоккида кучни узатиш жараёнда вужудга келадиган айланма тебраниш ҳаракатини аналитик-рақамли услуби ишлаб чиқилди;

темир йўл ҳаракатланувчи таркиб қисмлари материалларини қолдиқ ва мустақкамлик ресурслари яратилган аналитик-рақамли услуб асосида 33% эканлиги аниқланган;

яратилган динамика модел учун тузилган ғилдирак-мотор блоги айланма тебранишларнинг алгаритми ва тортув моторларининг тезлик таснифлари бўйича танлаш услубиётилари асосида магистрал тепловозларнинг ғилдирак-мотор блоки тортиш узатмаларини модернизация қилиш ва уларнинг материалларини хизмат мuddатини узайтириш концепцияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

магистрал тепловознинг тортиш узатмаларидаги тортув кучлари айланма тебраниш ҳаракати модели ва аналитик-рақамли услуби модели, тортув электр моторлари тезлик таснифлари бўйича, уларга куч туширмаган ҳолда танлаш услуби ишлаб чиқилган;

магистрал тепловозларнинг тортув электр моторларини тезлик таснифлари бўйича вариантларни ишлаб чиқиш, тезлик таснифлари бўйича тортув электр электромоторларини танлаш учун принципал схема, юритмали асинхрон моторларнинг автомат равишда ишлаб чиқариш юборилиши, тормозланиши ва реверсланишни бажарадиган автомат бошқариш намунавий схемалари, тортув электр моторлар яқори частотасини барқарорлаштириш учун мўлжаллаб ишлаб

чиқилган курилманинг функционал блок-схемаси яратиш орқали тортув электр электромоторларини тезлик таснифларини аниқлаш стенди ва йўриқномаси ишлаб чиқилган;

яратилган усуллар асосида магистрал тепловозларнинг тортиш узатмаларини модернизация қилиш ва уларнинг хизмат мuddатини узайтириш концепцияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий услублардан фойдаланган ҳолда тадқиқотлар ўтказилганлиги, шунингдек электротехника қоидалари, математик тенгламалар асосида магистрал тепловози тортув электр мотори параметрлари, олинган натижалар экспериментал тадқиқотлар натижаларига муносиблиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти магистрал тепловозларнинг тортиш узатмаларидаги тортиш кучлари айланма тебраниш ҳаракатини моделлаштириш, ҳамда тортув электр моторлари тезлик таснифлари бўйича, уларга куч туширмаган ҳолда танлаш имконини берадиган илмий асосланган услубларни ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти магистрал тепловозларни таъмирлаш жараёнида тортув электр моторларини тезлик таснифлари бўйича танлаш вариантларни ишлаб чиқиш, тезлик таснифлари бўйича тортув электр электромоторларини танлаш учун принципал схема, юритмали асинхрон моторларнинг автомат равишда ишлаб чиқариш юборилиши, тормозланиши ва реверсланишни бажарадиган автомат бошқариш намунавий схемалари, тортув электр моторлар яқори частотасини барқарорлаштириш учун мўлжаллаб ишлаб чиқилган курилманинг функционал блок-схемаси яратиш орқали тортув электр электромоторларини тезлик таснифларини аниқлашга хизмат қилади

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Магистрал тепловозларнинг тортиш узатмаларидаги тортиш кучлари айланма тебраниш ҳаракатини моделлаштириш асосида:

ишлаб чиқилган тезлик таснифларини аниқлашнинг курилмаси «Ўзтемирйўлмаштаъмир» УҚ да магистрал тепловозларнинг тортув электр моторларини тезлик таснифларини аниқлашда ишлаб чиқаришга жорий этилган («Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 7 июндаги №01/2470-21-сон маълумотномаси). Натижада, тортув электр электромоторларини тезлик таснифларини аниқлаш ва назорат қилиш аниқлигини ошириш ҳисобига уларни иш бажариш коэффициентини 17% ошириш имконини берган.

тортув электр моторларни тезлик таснифлари бўйича, уларга куч туширмаган ҳолда танлаш услубиётини қўллаган ҳолда UZTE16M тепловозини тортув электр моторлари айланиш тезлигини тенглаштирилиб жиҳозлаш «Ўзтемирйўлмаштаъмир» УҚ да ишлаб чиқаришга жорий этилган («Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 7 июндаги №01/2470-21-сон маълумотномаси). Натижада, тортув электр моторларининг тамирсиз

ишлаш мuddатини 33% га ва иш бажариш коэффициентини 23% ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқот натижалари 6 та, жумладан 4 та халқаро ва 2 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳофизатдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 11 та, жумладан 5 таси Республика ва 6 таси (1 таси SCOPUS базасидаги) хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, бешта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ишининг ҳажми 115 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзу бўйича ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларида мослиги кўрсатилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва асосий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Масаланинг ҳолати. Тадқиқот вазифаларининг қўйилиши» деб номланган биринчи бобда магистрал тепловозларнинг тортиш узатмалари айланма тебраниш ҳаракатига таъсир этувчи омилларни тахлилини илмий-техник адабиётлар орқали асослаб берилди. Магистрал тепловозларининг тортиш узатмалари айланма тебраниш ҳаракатини вужудга келтирувчи омилларни бартараф этиш учун ўтказилган тадқиқотлар тахлили шунини кўрсатдики, ушбу йўналишга жиддий эътибор бериш орқали тепловозларнинг ғилдирак жуфтлари ва рельс орасидаги илашиш коэффициентини ошириш имконини беради. Ҳаракатланувчи таркибнинг самарали ҳаракатланиши ва ундан фойдаланиш (эксплуатация) муаммоси ғилдиракнинг рельсга таяниш нуқтасидаги ўзаро бирга илашиш масаласи билан узвий боғлиқлиги, илашиш бўйича тортув кучини катталаштиришга мунтазам равишда катта эътибор бериш лозимлиги, тепловозларнинг самардорлигини ошириш учун тортув моторлари-редуктор-ғилдирак жуфтликлари орасида вужудга келадиган айланма тебраниш ҳаракатини ўрганиш талаб этилади.

Магистрал тепловозлар тортиш узатмаларидаги тортиш кучлари айланма тебраниш ҳаракати натижасида ғилдирак ва рельс ўзаро таъсир кучларига салбий таъсир кўрсатади. Илмий тадқиқотларни таҳлил қилиш, орқали магистрал тепловозларнинг ғилдирак ва рельс орасида вужудга келадиган ишқаланиш кучларининг намоён бўлиши, ғилдирак ва рельс орасида вужудга келадиган

илашиш кучининг ҳосил бўлишини изоҳлаб берадиган физик моделлар, тажриба маълумотлари бўйича ғилдирак ва рельс орасидаги илашиш коэффициентини аниқлашга доир Н. Н. Меньшутин, А. А. Ренгевич ва О. М. Янсонларнинг тажрибалари, ғилдиракларнинг умумий сирғалиш натижасида проф. Г. М. Шахунянц формуласига асосан сирғалиш тезлигининг 0,8 дан 2% гача катталаниши рельслар 2,3 баробар кўпроқ едририлишига олиб келиниши, судраланиш (бокслаш) ривожланишининг олдинги олишга қаратилган электр схемаларига қўйилмаган талаблар, судраланиш (бокслаш) ни ифодаловчи коэффициент крипини аниқлашда Герцнинг статистика назарияси, Картернинг бўйлама ва кўндаланг крипларни аниқлаш усуллари, крип кучларининг ғилдирак юмаланишида унинг рельс билан ўзаро таъсир қилишига боғлиқлиги чуқур таҳлил қилиш кераклигини кўрсатди.

Адабиётларнинг критик таҳлили ҳамда магистрал тепловозлар тортиш узатмаларидаги тортиш кучлари айланма тебраниш ҳаракати натижасида рельс ва ғилдирак илашиш коэффициенти камайиб, тепловозларнинг дизелдан олган қуввати маълум даражада камайишига олиб келишини аниқлаш билан, ушбу илашиш коэффициенти ошириш учун айланма тебраниш ҳаракатни олдинги олишга қаратилган тортув электр моторларни тезлик тавсифларига кўра танлаш ва редукторнинг тишли ғилдиракларининг емириш жадаллигини ҳаракат таркиби босиб ўтган йўлга боғлиқлигини таъминлаш имкониятлари аниқланган.


Диссертациянинг «Магистрал тепловозларининг тортиш узатмалари материаллари, айланма тебраниш ҳаракатининг назарияси ва усуллари» деб номланган иккинчи бобда илмий тадқиқот ишининг объекти ва тадқиқот усуллари таъминлашга бағишланган бўлиб, магистрал тепловозларининг тортув узатмаларидаги айланма тебраниш ҳаракатининг ғилдирак ва рельс ўзаро таъсирига боғлиқлиги, тортув-мотор блогни редукторнинг емирилиш даражасининг тортув узатмаларидаги айланма тебраниш ҳаракатига боғлиқлиги, емирилиш даражасини мойларни тўғри танлаш усули орқали ғилдирак-шестерия орасидаги тирқишни камайтиришни усулини қўллашни таъминлайди.

Магистрал тепловозлар тортиш узатмаларидаги тортиш кучлари айланма тебраниш ҳаракати натижасида ғилдирак ва рельс ўзаро таъсирини назарда тутган соддалаштирилган назарияси, аниқ назарияси, динамика назарияси, квазистатик назарияси ва ясси назариялари таҳлил қилинган. Бундан ташқари ғилдирак ва рельснинг юмаланишидаги ўзаро таъсирланишда Картер назарияси, Жонсон ва Вермиоллер назарияси, Холлинг, Хайенс ва Оллертон тасмалари назарияси, Колкернинг чизикли назарияси, Аниқ қўйилган крип назарияси ва Колкернинг эмпирик модели назариялари ўрганилиб, ҳисобланаётган объектга таъсири таҳлил қилинди.

Диссертациянинг «Магистрал тепловозларининг тортиш узатмалари айланма тебранишлари ҳаракатини моделлаштириш» деб номланган учинчи бобда тепловозларнинг тортиш узатмалари айланма тебраниш ҳаракатини математик моделлаштириш ва ғилдирак-мотор блокида айланма тебраниш ҳаракатни вужудга келтирадиган тортув электр моторларини тезлик

тавсифлари бўйича, уларга куч туширмаган ҳолда танлаш услубиётини ҳисобий тарзда асослаб бериш усуллари бағафсил ёритилган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тасарруфидаги «Ўзтемирйўлмаштабмир» УҚ тамонидан модернизация қилинган UZTE16M тепловози танлаб олинди. Ушбу турдаги тепловоз секциясининг динамик модели тузилди (1 расм). Келтирилган динамик модел асосида тепловозларнинг тортиш узатмалари айланма тебраниш характерини математик моделлаштириш ва гилдирак-мотор блоктида айланма тебраниш характерни вужудга келтирадиган тортув электр моторларини тезлик тавсифлари бўйича, уларга куч туширмаган ҳолда танлаш услубиётини аналитик тарзда асослаб бериш назарда тутилган. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги шу тариқа таъминланган.



1-расм. UZTE16M тураридаги тепловоз секциясининг динамик модели.

Ушбу келтирилган динамик моделини математик моделлаштириш учун қуйидаги мулоҳазаларни келтириш лозим:

1. Инерция моментлари: $J_1, J_2, J_3, J_4, J_5, J_6, J_{11}, J_{21}, J_{31}, J_{41}, J_{51}, J_{61}$.
2. Айлантурувчи моментлари: M_1, M_2, M_3, M_4, M_5 ва M_6 .
3. Якорларнинг қайишқоқликлари: $K_1, K_2, K_3, K_4, K_5, K_6, K_{11}, K_{21}, K_{31}, K_{41}, K_{51}, K_{61}$.
4. 1-расмдаги моделда қайишқоқ айланма тебранишларнинг қуйидаги функциялари ҳисобга олинган:

$\varphi_i(t)$ - тортув генератори якорининг бурчак тебранишлари айланма қаттиқлик K_i га эга қайишқоқ боғлиқлик орқали статор (дизель) га тегишли:

- K_1, K_2, K_3, K_4, K_5 , ва K_6 лардаги айланма қаттиқликдаги келтирилган айланма тебранишлар $\varphi_1(t), \varphi_2(t), \varphi_3(t), \varphi_4(t), \varphi_5(t)$ ва $\varphi_6(t)$, тортув электр

моторлари (ТЭМ) якорларнинг тортув генераторининг J якорига нисбатан J_1, J_2, J_3, J_4, J_5 , ва J_6 инерция моментлари. Кейинги ўринларда соддалаштириш мақсадида тенгламалар 1-расмда тасвирланган бир гилдирак-мотор блоктидаги ҳисобий схема бўйича бажарилади.

Тепловоз гилдирак-мотор блоктидаги (ГМБ) айланма тебранишларни моделлаштириш учун Лагранж услуби ва тенгламалардан фойдаланилади.

Генератор гилдирак жуфтлиги орасидаги динамик боғлиқлик учун қуйидаги тенгламаларни тузимиз:

Кинетик энергия тенгламасини ҳосил қиламиз:

$$T = \frac{1}{2} \left[J_1 \left(\frac{d\varphi_1}{dt} \right)^2 + J_2 \left(\frac{d\varphi_2}{dt} \right)^2 + J_3 \left(\frac{d\varphi_3}{dt} \right)^2 + J_4 \left(\frac{d\varphi_4}{dt} \right)^2 + J_5 \left(\frac{d\varphi_5}{dt} \right)^2 + J_6 \left(\frac{d\varphi_6}{dt} \right)^2 + J_{11} \left(\frac{d\varphi_{11}}{dt} \right)^2 + J_{21} \left(\frac{d\varphi_{21}}{dt} \right)^2 + J_{31} \left(\frac{d\varphi_{31}}{dt} \right)^2 + J_{41} \left(\frac{d\varphi_{41}}{dt} \right)^2 + J_{51} \left(\frac{d\varphi_{51}}{dt} \right)^2 + J_{61} \left(\frac{d\varphi_{61}}{dt} \right)^2 \right]$$

Қайишқоқ деформацияларнинг потенциал энергияси тенгламаси

$$P = \frac{1}{2} \left[K_1 \varphi_1^2 + K_2 \varphi_2^2 + K_3 \varphi_3^2 + K_4 \varphi_4^2 + K_5 \varphi_5^2 + K_6 \varphi_6^2 + K_{11} \varphi_{11}^2 + K_{21} \varphi_{21}^2 + K_{31} \varphi_{31}^2 + K_{41} \varphi_{41}^2 + K_{51} \varphi_{51}^2 + K_{61} \varphi_{61}^2 \right]$$

Ҳаракатлантурувчи кучлар ва инерциянинг моментлари айланмишга қаршилиқ кўрсатадиган кучлар ишлари

$$\delta A = \left[M_1 \delta \varphi_1 - M_1 (\delta \varphi_1 + \delta \varphi_{11}) - M_2 (\delta \varphi_2 + \delta \varphi_{21}) - M_3 (\delta \varphi_3 + \delta \varphi_{31}) - M_4 (\delta \varphi_4 + \delta \varphi_{41}) - M_5 (\delta \varphi_5 + \delta \varphi_{51}) - M_6 (\delta \varphi_6 + \delta \varphi_{61}) \right]$$

Энергиянинг сақланиш қонунияти ҳамда, юқоридаги тенгликларни инобатга олган ҳолда, генератор (φ_r), тортув электр мотори (φ_i) ва гилдирак жуфтлиги (φ_{1i}) да вужудга келадиган бурчак тебранишларини бўйича Лагранж услуби ва тенгламаларини ҳосил қиламиз:

$$\begin{aligned} \ddot{\varphi}_r (J_r + J_1 + J_{11}) + K_r \varphi_r + (J_1 + J_{12}) \ddot{\varphi}_1 + J_{11} \ddot{\varphi}_{11} &= M_r - M_1 \\ (J_r + J_1) \ddot{\varphi}_1 + (J_r + J_1) \ddot{\varphi}_{11} + K_1 \varphi_1 + J_{11} \ddot{\varphi}_{11} &= -M_1 \\ J_{11} \ddot{\varphi}_1 + J_{11} \ddot{\varphi}_{11} + K_{11} \varphi_{11} &= -M_1 \end{aligned}$$

Юқоридаги Лагранж тенгламалар тизими ечимлари иккита таркибий қисмдан иборат қилиб жамланади:

- 1) Ўнг қисмлари нолга тенг бўлган бир турдаги тенгламалар тизимлари.
- 2) Юқоридаги функциялари $M_i(t)$ ва $M_i(t)$ га боғлиқ бўлган хусусий ечимлар. Юқоридаги функциялари $M_i(t)$ ва $M_i(t)$ га боғлиқ бўлган хусусий функциялар $M_i(t) = M_i \cos \omega t$ ва $M_i(t) = M_i \cos \omega t$ кўринишида амалга оширилди.

Функция қийматларининг ҳосилаларини Лагранж тенгламаларига қўйиб, соддалаштиришлар натижасида қуйидагиларни аниқлаймиз:

$$A_{11} \varphi_r + A_{12} \varphi_1 + A_{13} \varphi_{11} = M_r - M_1$$

$$A_{21} \varphi_r + A_{22} \varphi_1 + A_{23} \varphi_{11} = -M_1$$

$$A_{31} \varphi_r + A_{32} \varphi_1 + A_{33} \varphi_{11} = -M_1$$


Бу тенгламалар системасини матрица усули ва Крамер формулаларини қўллаб қуйидагиларни аниқлаш мумкин бўлади:

$$\Delta = \begin{vmatrix} A_{11} & A_{12} & A_{13} \\ A_{21} & A_{22} & A_{23} \\ A_{31} & A_{32} & A_{33} \end{vmatrix} \quad \varphi_r = \frac{1}{\Delta} \begin{vmatrix} M_1 - M_1 & A_{22} & A_{23} \\ -M_1 & A_{22} & A_{23} \\ -M_1 & A_{32} & A_{33} \end{vmatrix}$$

$$\varphi_1 = \frac{1}{\Delta} \begin{vmatrix} A_{11} & M_1 - M_1 & A_{13} \\ A_{21} & -M_1 & A_{23} \\ A_{31} & -M_1 & A_{33} \end{vmatrix} \quad \varphi_{11} = \frac{1}{\Delta} \begin{vmatrix} A_{11} & A_{12} & M_1 - M_1 \\ A_{21} & A_{22} & -M_1 \\ A_{31} & A_{32} & -M_1 \end{vmatrix}$$

Юқоридаги тенгламалардан фойдаланиб қолган бешта ГМБлар учун ҳам олинishi мумкин.


Айланма тебраниш ҳаракатга таъсир этувчи омилларни сон қийматлари келтириб ўтиш талаб этилади. Бундай ҳолларда, UZTE16M тепловозининг ғилдирак-мотор блокнинг айланма тебранишлари алгоритми ва ҳисобини ишлаб чиқишда, тенгламаларни $\omega = 50 \text{ rad/s}$ дан $\omega = 300 \text{ rad/s}$ гача метрларда 50 rad/s қадам билан олинган қийматлар бўйича аниқлаб, тебранишларнинг айланish частоталарга боғлиқлик графикларини хар хил қаттиқликлар учун аниқлаймиз.



Якор валларининг қайшиқоқлиги:

$$K_r = 7,55 \cdot 10^4 \text{ кгм/рад}; K_1 = 5,87 \cdot 10^6 \text{ кгм/рад}; K_{11} = 5,87 \cdot 10^6 \text{ кгм/рад}$$


2-расм. 1- ГМБ га доир ҳисобий тадқиқот



Якор валларининг қайшиқоқлиги:

$$K_1 = 1 \cdot 10^4 \text{ кгм/рад}; K_2 = 5,87 \cdot 10^6 \text{ кгм/рад}; K_{21} = 5,87 \cdot 10^6 \text{ кгм/рад}$$

3-расм. 2- ГМБ га доир ҳисобий тадқиқот




Якор валларининг қайшиқоқлиги:

$$K_1 = 2 \cdot 10^4 \text{ кгм/рад}; K_3 = 5,87 \cdot 10^6 \text{ кгм/рад}; K_{31} = 5,87 \cdot 10^6 \text{ кгм/рад}$$

4-расм. 3- ГМБ га доир ҳисобий тадқиқот

Тортув электр моторларни тезлик тавсифлари бўйича, уларга куч туширмаган ҳолда танлаш услубётини аналитик тарзда асослаб бериш учун қуйидаги фаразларни қабул қиламиз: бир қутбли қўтқали бракетлар орасидаги уланмалар бўйича тоқлар ихтиёрий йўналишларда оқиб ўтадилар; якор қўлғама ичида бу тоқлар коммутация зонасида бўлган ўтказгичлар орқали туташадилар; коммутацияловчи контурлардаги тоқлар устига бир қутбли қўтқали бракетлар орасидан оқиб ўтадиган тоқнинг таркибий қисмлари тушади; тадқиқ этилаётган диапазондаги магнит ва электр занжирлар чизикли.



5-расм. UZTE16M типидagi тепловоз ТЭМ якори ўрамини чулғамларининг коммутацияловчи чулғамларининг схемаси

Катта юкламаларда ишлайдиган “қурбақа” чулғамли тортув генератори учун шакллантирилган бу фаразлар, ҳалқасимон чулғамли ва якориди куч тушмайдиган тенглаштирувчи қаршилиқлари бўлган ТЭМ учун яна ҳам кўпроқ тўғри келади. Тепловоз ТЭМнинг бир қутбли чўткали бракетлари орасидаги ток пульсацияланишлари моделини қурайлик.

Тепловоз ТЭМнинг бир қутбли чўткали бракетлари орасидаги ток пульсацияланишлари моделини 5-расмда UZTE16M типидagi тепловознинг ЭД118Б(А) якори ўрамини секцияларининг коммутацияловчи чулғамларининг схемаси орқали тўзиб чиқамиз.

Ўзгармас ток моторлари учун коммутация жараёнини $q=1...N$ та ўрамли секцияси учун ифодаловчи ноҳизикли дифференциал тенгламалар тизимини қуйидагича ифодаланadi:

$$L_k \frac{di_k}{dt} + \sum_{1k} M \frac{di_k(t)}{dt} = -i_k(t)R_k - e_{nk}(t)$$

Тадқиқот ўтказиладиган тортув электр мотори ЭД-118Б(А) учун якор ўрамини 16 та эканлигинидан фойдаланиб, қуйидаги тенгламалар тизимини ҳосил қиламиз:


$$\begin{aligned} L_m \frac{di_1}{dt} + M_{m2} \frac{di_2}{dt} + M_{m3} \frac{di_3}{dt} + M_{m4} \frac{di_4}{dt} - M_{m5} \frac{di_5}{dt} - M_{m6} \frac{di_6}{dt} - M_{m7} \frac{di_7}{dt} - \\ M_{m8} \frac{di_8}{dt} - M_{m13} \frac{di_{13}}{dt} - M_{m14} \frac{di_{14}}{dt} - M_{m15} \frac{di_{15}}{dt} - M_{m16} \frac{di_{16}}{dt} + e(i_{15} + i_{16} + i_7 + i_8 - \\ i_{13} - i_{14} - i_{15} - i_{16}) + R_m i_m = 0 \\ L_j \frac{di_9}{dt} + M_{j6} \frac{di_6}{dt} + M_{j7} \frac{di_7}{dt} + M_{j8} \frac{di_8}{dt} - M_{j9} \frac{di_9}{dt} - M_{j10} \frac{di_{10}}{dt} - M_{j11} \frac{di_{11}}{dt} - M_{j12} \frac{di_{12}}{dt} - \\ M_{j1} \frac{di_1}{dt} - M_{j2} \frac{di_2}{dt} - M_{j3} \frac{di_3}{dt} - M_{j4} \frac{di_4}{dt} + e(i_9 + i_{10} + i_{11} + i_{12} - i_1 - i_2 - i_3 - \\ i_4) + R_{jij} = 0 \\ L_k \frac{di_9}{dt} + M_{k10} \frac{di_{10}}{dt} + M_{k11} \frac{di_{11}}{dt} + M_{k12} \frac{di_{12}}{dt} - M_{k13} \frac{di_{13}}{dt} - M_{k14} \frac{di_{14}}{dt} - M_{k15} \frac{di_{15}}{dt} - \\ M_{k16} \frac{di_{16}}{dt} - M_{k5} \frac{di_5}{dt} - M_{k6} \frac{di_6}{dt} - M_{k7} \frac{di_7}{dt} - M_{k8} \frac{di_8}{dt} + e(i_{13} + i_{14} + i_{15} + i_{16} - i_5 - \\ - i_6 - i_7 - i_8) + R_{9ij} = 0 \end{aligned}$$

$$\begin{aligned} L_n \frac{di_{13}}{dt} + M_{n14} \frac{di_{14}}{dt} + M_{n15} \frac{di_{15}}{dt} + M_{n16} \frac{di_{16}}{dt} - M_{n1} \frac{di_1}{dt} - M_{n2} \frac{di_2}{dt} - M_{n3} \frac{di_3}{dt} - \\ M_{n4} \frac{di_4}{dt} - M_{n9} \frac{di_9}{dt} - M_{n10} \frac{di_{10}}{dt} - M_{n11} \frac{di_{11}}{dt} - M_{n12} \frac{di_{12}}{dt} + e(i_1 + i_2 + i_3 + i_4 - i_9 - \\ i_{10} - i_{11} - i_{12}) + R_n i_n = 0 \end{aligned}$$

Бунда: e - бошқа ўрам бўйича 1 А га тенг микдордаги ток оқиб ўтишида ўрамда юзага келадиган ЭЮК (ЭДС), L_i - коммутацияловчи ўрам индуктивлиги, M_i - коммутацияланаётган ўрамларнинг ўзаро индуктивлиги, R_i - коммутацияловчи ўрам қаршилиги, $m=1-4$ биринчи тўртинчи контурлар учун, $j=5-8$ бешинчи саккизинчи контурлар учун, $k=9-12$ тўққизинчи ўн иккинчи контурлар учун, $n=13-16$ ўн учинчи ўн олтинчи контурлар учун.

Паз схемасига биноан белгилашлар киритиш натижасида (6-расм) ва тенглаштирувчи бирикмаларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги тенгламалар тизимига эга бўлаемиз:

$$\begin{aligned} L \frac{di_1}{dt} - M \frac{di_2}{dt} - M \frac{di_4}{dt} + n(I_2 - I_4) + RI_1 = 0 \\ L \frac{di_2}{dt} - M \frac{di_3}{dt} - M \frac{di_1}{dt} + n(I_3 - I_1) + RI_2 = 0 \\ L \frac{di_3}{dt} - M \frac{di_4}{dt} - M \frac{di_2}{dt} + n(I_4 - I_2) + RI_3 = 0 \end{aligned}$$



6-расм. Якор пазни ўтказгичлар жойлашув схемаси

$$\begin{aligned} L \frac{di_4}{dt} - M \frac{di_1}{dt} - M \frac{di_9}{dt} + n(I_1 - I_3) + RI_4 = 0 \\ R_{n1}(I_1 - I_3) + R_{тенг1} I_{тенг1} = 0 \\ R_{n2}(I_2 - I_4) + R_{тенг2} I_{тенг2} = 0 \end{aligned}$$

Бунда:

R_{n1} , R_{n2} - бир қутбли чўткасимон бракетлар орасидаги қўриқчалар қаршилиқлари;

$R_{тенг1}$, $R_{тенг2}$ - коммутацияловчи тенглаштирувчи бирикмалар қаршилиқлари. Лапас услубиётини қўллаган ҳолда юқоридаги тенгламалар тизимини қуйидагича тасвирини тузамиз:

$$\begin{aligned} P[L I_1(p) - M I_2(p) - M I_4(p)] + n I_2(p) + R I_1(p) - n I_4(p) = L i_1(0) - \\ M i_2(0) - M i_4(0) \\ P[L I_2(p) - M I_3(p) - M I_1(p)] + n I_3(p) + R I_1(p) - n I_2(p) = L i_2(0) - \\ M i_3(0) - M i_1(0) \end{aligned}$$

$$P[L I_3(p) - M I_2(p) - M I_4(p)] + n I_4(p) + R I_2(p) - n I_3(p) = L i_3(0) - M i_2(0) - M i_4(0)$$

$$P[L I_4(p) - M I_1(p) - M I_3(p)] + n I_1(p) + R I_3(p) - n I_4(p) = L i_4(0) - M i_1(0) - M i_3(0)$$

$$R_{n1} I_1(p) - R_{n1} I_3(p) - R_{yp1} I_{yp1}(p) = 0$$

$$R_{n2} I_2(p) - R_{n2} I_4(p) - R_{yp2} I_{yp2}(p) = 0$$

Магнит тизимининг абсолют симметрия ва тенглаштирувчи бирикмалар ва бир кутбали чўткали бракетлар орасидаги кўприкчалар ўзининг орасидаги актив қаршилиқлар ҳисобга олинмаган ҳолатларда характеристик тенгламалар тизими ечими қуйидаги кўринишда бўлади:

$$I_1 = A_1 \sin(\omega \cdot t + \varphi_1)$$

$$I_2 = A_2 \sin(\omega \cdot t + \varphi_2)$$

$$I_3 = A_3 \sin(\omega \cdot t + \varphi_3)$$

